

АЛИЕВ Шокир Жўракулович
Термиз давлат университети
иккинчи босқич таянч докторанти

ТЕРМИЗ АДАБИЙ МУҲИТИНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА МУҲАММАД СОЛИҲ ТЕРМИЗИЙНИНГ ЎРНИ

THE ROLE OF MUHAMMAD SALIH TERMIZI IN THE DEVELOPMENT OF THE TERMIZ LITERARY ENVIRONMENT

РОЛЬ МУХАММАДА САЛИХА ТЕРМИЗИ В РАЗВИТИИ ТЕРМЕЗСКОЙ ЛИТЕРАТУРНОЙ СРЕДЫ

Аннотация. Мақолада Термизнинг безавол қалъалари бўлган буюк намояндалари ҳақида сўз юритилиб, шу билан биргаликда Термиз маданият муҳити, тарихи, адабий муҳитининг вакиллари, турли йўналишларда ижод қилган мутафаккирлар ҳаёти, термизлик ва термизий нисбаси билан илмий-адабий фаолият олиб борган зотлар номи ҳақида маълумот берилади. Шу билан биргаликда Термиз тарихи ва адабий муҳити борасида олиб борган тадқиқотлар санаб ўтилади, термизийшунос олимларнинг асарлари қисқача таҳлил этилади. Жумладан Термизий нисбаси билан ижод қилган, асли Термиз саййидларидан бўлган Муҳаммад Солиҳ Кашифий Термизий ҳаёти ва мероси борасида илмий мулоҳазалар юритилади. Кашифий Термизийдек шоир вояга етишишида Термиз адабий муҳитининг вакиллари таъсири илмий асосда кўрсатиб берилади.

Калим сўзлар: Кашифий, адабий муҳит, Термиз, маданият, ижтимоий муҳит, қадимги Термиз, термизийлар, адабий асарлар.

Annotation. The article talks about the great representatives of Termiz with beautiful castles, along with the cultural environment, history, representatives of the literary environment of Termiz, the lives of thinkers who created in different directions, the names of those who carried out scientific and literary activities with Termizism and Termizism ratio. Along with this, the researches conducted on the history and literary environment of Termiz are listed, and the works of

Termizologists are briefly analyzed. In particular, scientific comments are made about the life and legacy of Muhammad Salih Kashfi Termizi, who was originally from the Sayyids of Termizi, who created with the influence of Termizi. The influence of the representatives of Termiz's literary environment on the growth of a poet like Kashfiy Termizi is shown on a scientific basis.

Key words: Discovery, literary environment, Termiz, culture, social environment, ancient Termiz, Termizites, literary works.

Аннотация. В статье пойдет речь о великих деятелях Термеза, которые являются крепостями этого города, и в то же время расскажут о культурной среде, истории, представителях литературной среды Термеза, жизни мыслителей, творивших в разных направлениях, именами тех, осуществлявших научные и литературную деятельность наряду с термезийцами. В то же время перечисляются исследования, проведенные в области истории и литературной среды Термеза, и кратко проанализированы работы термезологов. В частности, сделаны научные комментарии о жизни и наследии Мухаммада Салиха Кашифи Термизи, который был родом из саййидов Термеза. На научной основе показано влияние представителей термезской литературной среды на становление такого поэта, как Кашифий Термези.

Ключевые слова: Открытие, литературная среда, Термез, культура, социальная среда, древний Термез, термизиты, литературные произведения.

КИРИШ

Термиз шаҳри азалдан “мадинат ар-рижол” номи билан жаҳонга танилган. Бу заминда кўплаб мутасаввуф уламолар етишиб чиққани илмий-тарихий манбаларда келтирилади. Разийн Термизий, Жаъфар ибн Алий Термизий, Абу Саҳл Термизий, Юсуф Хайёт Термизий, Ҳаким Термизий, Варроқ Термизий, Саййид Бурҳониддин Муҳаккиқ Термизий, Сўфи Аллоҳёр, Мавлавий Жунуний ва бошқа тасаввуф аҳли уламоларни мисол келтириш мумкин. Шарқ оламида эътироф этилган забардаст олимлардан Ҳаким Термизий ўзининг катта бой илмий мероси билан ҳакимия тариқатига асос солган. Имом Абу Исо Термизий эса ҳадис илмида дунёнинг машҳур муҳаддислари қаторида жой олгани ҳам эътиборга молик.

Термизий ва термизийлар дейилганда албатта биринчи кўз олдимизга Имом Термизий ва Ҳаким Термизий каби буюк зотлар гавдаланади. Термиз шаҳри қадимдан мана шундай буюк зотларни тарбиялашга замин бўлганлигининг баъзи сабабларини санаб ўтсак тўғри бўлади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Тарихий китобларда келтирилишча Термиз Шарқдаги шаҳарларининг қадимий шаҳарларидан бири бўлган. Буюк ипак йўлининг муҳим бир тармоғи ҳам қадимги Термиз шаҳри орқали ўтган. Қадимдан Парфия, Суғдиёна, Хоразм, Марғиёна давлатлари билан савдо-сотиқ алоқаларини йўлган қўйган. Ҳидндистон каби йирик савдо маркази давлатлари билан кенг алоқа ўрнатган. Милоддан аввалги III-IV асрларда одамлар бу ерда яшаб келган. III-II асрларга келиб Термиз Бактрия давлатининг сиёсий, иқтисодий ва маданий жиҳатидан тараққий топган шаҳарларидан бирига айланган. Кушонлар давлати ҳукмронлиги даврида Термиз шаҳри обод масканга айланиб, Шимолий Бактириянинг йирик шаҳарлари қаторидан жой олади. Савдо-сотиқ ва маданият маркази бўлган Термиз шаҳри Буюк ипак йўлига туташганлиги учун қадимдан шаҳар маданияти кириб келади. Бу борада “Худуду-л-олам” [8,109] асарида Термиз “Жайхун бўйидаги кўркам ва обод шаҳардир. Қалъаси дарё бўйида, улкан бозори дунёга машҳур, Хутталон ва Чағониён аҳли шу ерда савдо қилади”[8,109], - деб юқори баҳо бергани фикримизни далиллайди.

Демак бундан маълум бўладики, Термиз X асрга келиб кўркам, обод, бозори дунёга машҳур шаҳарга айланиб бўлган экан. Дарҳақиқат мана шундай марказларда бошқа соҳалар қатори ҳунармандчилик, тижорат ва йирик бинолар барпо этилиши йўлга қўйилган эди. Қадимги биноларнинг қолдиқлари бугунги кунга қадар Эски шаҳар қисмида сақланиб қолганлиги ҳам бунинг ёрқин натижасидир.

Термиз ижтимоий-иқтисодий ислохотлари қатори сиёсий ислохотларда ҳам фаол бўлган. Ҳазнавийлар, Қорахонийлар, Қорахитойлар Салжукийлар, Хоразмлар давлатлари таркибига кирган. Қадимги Термиз шаҳрининг биринчи

харобага айланиши муғуллар босқини даврига тўғри келади. Термиз муғуллар исёнига катта қаршилик кўрсатган. Амир Темур даврига келиб Термиз Темурийлар давлати таркиби киради. Амир ўзининг оқилона сиёсати билан Термиз шаҳрини обод қилади. Жумладан Термизий саййидларга алоҳида эҳтиром кўрсатади. 1407 йил Халил Султон фармони билан дарё соҳилидаги Термиз қалъаси қайта тикланди. Кўп ўтмай, ўз тангаларини зарб этадиган катта шаҳарга айланди[4,6],

Таъкидлаш жоизки, Темурийлар даврида илм-фан адабиёт ва санъат бошқа даврлардан кўра анча ривожланади, турли соҳаларда кўплаб олимлар етишиб чиқади. Термиз шаҳри ҳам Самарқанд Бухоро ва Насаф шаҳарлари каби обод ва қутлуғ маскан бўлиб дунёга танилади. XIV асрнинг биринчи ярмидан бошлаб тарихий битиклар Термизда зарб қилинган тангаларда шаҳар номига унинг тавсифини баён этиш мақсадида “*Маданат ар-рижол*” (Мардлар шаҳри) қўшиб ишлатила бошлайди. Яъни бу тавсиф шуни кўрсатадики, халқи кўрқмас, жасоратли, донишманд бўлиб душмандан доимо ватанининг ҳимоя қилиб келган.

Таниқли термизийшунос олим Мирзо Кенжабек “Буюк Термизийлар” асарида Термизни қуйидагича тавсифлайди: “Азим Жайхун соҳилидаги кўҳна Термиз харобаларига назар ташласак, қадимий қалъа деворларини ҳам кўрамыз. Дарҳақиқат, инсон қўли билан бунёд этилган иморат борки, безавол қолган эмас. Ҳар қандай қаср, кўрғон, сарой, мақбара аста-секин емирилади, чўқади, нурайди, таъмирга ёки қайта тикланишга муҳтож бўлади. Тарихнинг бешафқат вайроналик қаҳқаҳаси ҳеч бир қалъани четлаб ўтган эмас... Аммо улуғ тарихий шаҳарларнинг асл безавол қалъалари – улуғ сиймолар, улар қолдирган ўлмас маънавий мерослар, валий зотлар, алломалар, нодир шахсиятлардир.... Қадимий Термизнинг шон-шавкати, эътибор ва шарафи ҳам мангу Термизийлар биландир. Термизнинг абадий безавол қалъалари улуғ Термизийлар саналади. [3,6],

Бу каби улуғ сиймоларни тарбия қилган Термиз маданий муҳити X ва XI асрнинг ўзида

бошқа илм-фан мактаблари қаторида адабиёт ва санъатга ҳам ўзининг адабий мактаби билан ном қозонди. Жумладан Адиб Собир Термизий (1078-1147), Фаррухий (1039-ваф), Амир Муизий (1072-1127), Мунжик Термизий (988-ваф) каби номдор шоирлар қуҳна Термиз ва Чағониён адабий муҳитидан етишиб чиққани барчамизга сир эмас. Бундан ташқари Чағониён адабий муҳитида Абу Али Хусайн ибн Аҳмад ас-Салломий, *Абумансур Муҳаммад ибн Аҳмад Дақиқий*, *Абулқосим Али ибн Муҳаммад Искофий*, Тоҳир Чағоний сингари шоир ва ёзувчилар ижод қилгани ҳам муҳим аҳамиятга молик. Чағониён – Амударёнинг юқори қисмида жойлашган ҳудуд номи бўлиб, унинг энг муҳим ва обод шаҳри Термиз эди. Шу нуқтаи назардан бир қатор термизий олимлар ва шоирлар етишиб чиқишга сабаб бўлди.

Биз эътиборимизни қаратаётган мавзу Термиз адабий муҳитининг намояндалари билан боғлиқ. Давр адабий муҳитини ўрганилишида тарихий-адабий ва илмий манбаларнинг ўрни бекиёс. Бугунги кунга қадар Термиз ва Чағониён тарихи, илмий-адабий муҳити ва унинг намояндалари борасида бир қанча асарлар ёзилди. Ҳалигача тадқиқ этилмаган ва ўз тадқиқотчиларини қутаётган кўплаб долзарб мавзулар бор. Термиз тарихи ва маданий муҳити борасида дастлабки тарихий ва илмий аҳамиятга молик тадқиқотлар араб ва форс олимлари томонидан амалга оширилган. Эътиборли жиҳати шундаки бу каби тадқиқотлар ўрта асрларда амалга оширилган.

Ибн ал-Фарикун томонидан ёзилган “Ҳудуду-л-олам минал-машриқи илал-мағриб” асари бошқа дунёнинг машҳур шаҳарлари қатори Термиз шаҳри тарихи, маданий муҳити борасида қимматли манба саналади. Асарда муаллиф Термизни “кўркама ва обод шаҳар” деб таърифлаши бежиз эмас. “Ҳудуду-л-олам” асарида Термиз шаҳрини қуйидагича тавсифлайд:

ترمذ شهر يست خرم و بر لب رود جيحون افتاده و اورا
قهندزيست بر لب رود و اين شهر بارگه ختلان و جغانيان استو
از وي صابون نيك و برياي سيزو باديبزن خيزد
[8,109],

(Мазмуни: Термиз чиройли бир шаҳар бўлиб, Жайхун дарёси ён атрофида жойлашган, унинг бир қалъаси бор, бозори дунёга машҳур Хатлон ва Чағониён аҳли шу ерга келиб савдо қилади).

Маълум бўлишича Термиз нафақат маданият маркази бўлган, балки савдо ва тижорат соҳасида ҳам ўз даврининг йирик марказларидан саналган.

Ўз даврининг муҳим адабий ва тарихий манабаларидан бири “Сафинаи Тирмиз” тазикраси муҳим аҳамиятга эга. Бу асарни VIII ҳижрий-қамарий асрда Муҳаммад ибн Яғмур томонидан ёзилган. Унда 115 шоир адабий мероси ва ҳаёти ҳақида сўз юритилади. Китоб Термизда ёзилганлиги ҳамда Темизий намояндалар ҳаёти ва мероси жой олганлиги сабабли “Сафина-э Тирмиз” [11,513], номини олади. Асарнинг аҳамиятли жиҳати шундаки, кўплаб мўътабар таъкираларда келмаган шоирлар ҳаёти ва фаолияти бу китобда мавжуд. Асар 1396/2017 йили эронлик форс олимлари Умид Сурурий ва Сайид Боқир Абтаҳий томонидан тадқиқ этилиб нашрга таёрланган.

Яна бир манба – эронлик форс олими Меҳдий Баёний томонидан 6 – жилдлик нашрга тайёрланган “Аҳвол ва осори хўшнависон” [6,885], асари 1345/1966 йили Техронда нашр этилган. Асарнинг қимматли жиҳати шундан иборат, ки муаллиф турли фан соҳасида ўз замонасида хизмат қилган намояндалар ҳаёти ва фаолиятини мисол келтиради, қисқача таржимаи ҳоли билан ўқувчини таништиради. Бобурийлар ҳукмронлиги даврида термизий саййидлардан Кашфий Термизий, Сайид Низомиддин Муҳаммад Маъсум Термизий, Фатҳий Термизий, Сайид Али Термизий каби зотларнинг ота-боболари Ҳиндистон ва Покистон ўлкаларига кўчиб боришганини ишора қилиб ўтади.

Термиз адабий муҳити ва намояндалар ҳаётини ўрганишда муҳим манбалардан бири машҳур форс олими Аҳмад Гулчин Маъонийнинг “Корвон-ҳинд” [6,885], асарини зикр этмасдан иложи йўқ. Чунки асарда Акбаршоҳ саройида ижод қилган термизийнинг йирик вакиллари бор. Унда машҳур Хаттот Жудой Термизий Мир Мансур Мусаввир

Термизий, Саййид Ҳошим Термизий каби намояндалар зикр этилгани диққатга сазовор.

Қози Ғавсулдин Мустаманд Ғурий томонидан ёзилган “Торихи мухтасари Ғўр” асарида термизлик шоирлардан Вазир Термизий ҳаёти ва фаолиятига алоҳида тўхталиб ўтади. Вазир Абу Бакр Термизийни Муҳаммад Авфии Бухороий “Лубобу-л-ал-боб” асарида девони соҳиби бўлганлиги таъкидлайди. Бу киши 586/1190 йиллари атрофида ҳаёт бўлиб, ўз девонини тартиб берган. [10,156].

Муҳаммад Ҳоди Ризоқулихон Ҳидоятнинг “Риёзу-л-орифин” асари ҳам Термиз адабий муҳитини ўрганишда муҳим манбалардан саналади. Тазкирада бошқа адабий муҳит вакиллари билан биргаликда Термизда ижод қилган ёки асли термизлик бўлган баъзи намояндалар зикри келади. Асарда термизлик тасаввуф намояндalари Ҳаким Термизий, Варроқ Термизий ва шоирлардан Фатҳий Термизий ҳаёти ва ижодидан намуна келтиради. Адолат ва донишмандликда Фатҳий Термизийни ўз замонасининг пешволаридан бўлганлигини, ирфоний маъноларга бой шеърлар ёзилганини таъкидлаб ўтади. У кишидан муаллиф икки рубоий мисол келтиради:

تسلیم به راه عشق جان یافتن است
معشوق لطیف را نهان یافتن است
این را گم کن اگر تو آن میطلبی
کاین گم کردن ز بهر آن یافتن است

[12,288],

Мазмуни: Илоҳий муҳаббат – ишқ йўлида таслим бўлишлик ҳақиқий ҳаётни топиш билан баробар. Латиф маъшукни – Аллоҳ таолони қалбингдан риёсиз, соф ихлос билан топишинг мумкин. Агар сен ҳақиқий муҳаббатга восил бўмоқчи бўлсанг, бу жисмингни фано эт. Бу фано қилишлик Уни топишга васила бўлади.

Ўз даврининг салмоқли асарларидан бири Шамсиддин Афлокийнинг “Маноқибу-л-орифин” [9,168], асарида Жалолиддин Румийнинг машҳур устозларидан бири асли термизлик мутасаввуф олим ва муфассир Саййид Бурҳониддин Муҳаққиқ Термизий ҳаёти фаолияти, Термиз маданий ва илмий муҳити ҳақида сўз юритилади.

Буларга қўшимча тарзда Ҳожа Абдуллоҳ Ансоринининг “Табақоту-с-суфия” асарини, Ҳужвирийнинг “Кашфу-л-маҳжуб” асарини, Саййид Низомиддин Саййид Мир Сафойи Термизийнинг “Торихи Маъсумий” асарини, Абдулҳамид Эронийнинг “Пайдоиши хат ва хаттотон” асарини, Фаридуддин Атторнинг “Тазкирату-л-авлиё” асарини, Абдурраҳмон Жомийнинг “Нафаҳоту-л-унс” асарини, Давлатшоҳ Самарқандийнинг “Тазкирату-ш-шуаро”, Ҳусайнкулхон Азимободийнинг “Наштари ишқ”, Ҳожа Ҳасан Нисорийнинг “Музакиру-л-аҳбоб”, асарларини ҳам мисол келтириш мумкин. Термиз илмий-адабий муҳити араблар фатҳидан кейин илм-фан тараққиёти борасида жаҳонга ўрнатқ бўлган даражада ривожланди. Шеърят ривожланишидан олдин исломий илмлар анча ривожланиб ўлгурган эди. Термиз тарихи, маданияти, намояндalаринининг илмий-маънавий мероси борасида хорижлик тадқиқотчиларнинг илмий тадқиқот ишлари таҳсинга сазовор. Марокашлик араб олими Ҳолид Заҳрий ..., германиялик немис олими Берндт Рудольф Радткнинг “Бадв уш-шаън” ва “Сийрат ул-авлиё” асарларини инглиз тилидаги таржимаси ва шарҳи, “Сийрат ул-авлиё”нинг Б.Радтк томонидан нашрга тайёрланган танқидий матни (аслиятда, араб тилида) эса 1992 йил Байрутда чоп этилгани эътиборга молик ишлардандир.

Маҳаллий олимлармиз томонидан бугунги кунга қадар Термиз тарихи ва илмий-адабий муҳити вакиллари борасида бир қанча ишлар амалга оширилган. Бу борадаги энг муҳим изланишларни Саййид Маҳмуд Тарозий, Абдулғани Абдулло, У. Уватов, И. Усмонов, Ж. Ҳамроқулов, А. Абдуллаев, Ж. Чўтматов, С. Турсунов, Ж. Мирзаев, С. Азимов, Б. Муртазоев, Р. Холиқова, Қ. Жўраев, Ж. Эсанов, М. Исмоилов ва бошқалар томонидан бу ҳудуддан етишиб чиққан термизий намояндалар борасида илмий изланишлар олиб борилган.

Термизий намояндалар ва уларнинг бебаҳо мероси ҳақида М. Кенжабекнинг “Термиз тазкира”си китоби[3,528], диққатга сазовор.

Ёш олимлардан Ж. Чўтматовнинг “Термизнинг безавол қалъалари ёхуд Термиз

тарихи” [5,352], монографиясида илк бор араб ва форс тилидаги асосий манбалар асосида Термизий намояндалар ҳақида муҳим маълумотларни яхлит тарзда умумлаштириб муҳим таҳлил ва хулосалар билан халқга тақдим этди. Термизлик шоирлар ҳаёти ва адабий мактабининг юзага келши борасида адабиётшунос олимлардан Таниқли адабиётшунос олим, А. Абдуллоев томонидан тайёрланиб, Эроннинг “Ал-Ҳуда” халқаро нашриётида босилиб чиққан “Девон”и Адиб Собир Термизий диққатга сазовордир.

Таниқли адабиётшунос олим Рамазон Абдуллаев “Ҳаёт ва эҷодиёти Амируш-шуаро Муиззӣ” ва Мунжик Термизийнинг “Девони ашъори пароканда” [1,3-27], каби илмий тадқиқот ишлари Термиз адабий мактабининг ўзига хос хусусиятларини ёритиб беришга кенг хизмат қилади. Адабиётшуноснинг ушбу тадқиқотларида Чағонийён ва Термиз адабий муҳитида етишиб чиққан Амир Муиззӣ ва Мунжик Термизий борасида сўз юртилиб монографик тарзда тадқиқот олиб боради. Энг муҳими биринчи марта Мунжик Термизий “Девони”ни форс тилидан крилл алифбосига табдил қилиб, мукаддима, таҳқиқ ва изоҳлар билан тўлдирилган ҳолда кенг китобхон оммасига тақдим этади.

Термиз адабий мактаби ва унинг вакиллари ҳаёти ва илмий меросини ўрганишда эронлик адабиётшунос олимлари бошқа олимлардан кўра ишлар анчагина. Эҳсон Шавориб Муқаддам[14,93], Аббос Иқболнинг “Девони Амируш-шуаро Муиззӣ” асарларини таҳқиқ этиб, Термиз Мовароуннаҳрнинг илм бешиги ва олимлар юрти бўлганини эътироф этишади.

Мутасаввиф шоирлардан Мавлавий Жунунӣ ўзининг “Маъдану-л-хол” асарида Ҳаким Термизий ва Варроқ Термизий каби буюк зотларни бу заминда вояга етиб, даврининг машҳур машойихи бўлганини тавсифлаб куйидаги байтларни ёзади:

Азизе буд, хоча Булҳаким ном,

Паёпай нӯш кардӣ, чуръаи чом.

Бинӯшӣ бодаҳои чоми лабрес,

Муқими шаръи дин дар шаҳри Тирмиз
[16,868].

(Мазмуни: Илоҳӣ шаробдан (маърифат) доимо маст бўлган Ҳожа Абулҳаким деган бир азиз зот бор эди. Термиз шаҳрида Исломи шаръиатига собитқадам зотлардан эди, уни кўрсанг илоҳӣ шаробни симириб ичгандек бўласан).

Юқорида зикр қилинган асарлар, термизлик намояндаларнинг мероси ва илмий тадқиқотлар шуни кўрсатадики Термизда қадимдан илмий адабий мактаб бўлган. Илмий мактаб бўлганлигининг яна бир исботи термизийшунос олимлардан Мирзо Кенжабек ва Жўрабек Чўтматовлар томонидан олиб борилган тадқиқотларда уларнинг рўйхати юздан ортиқ эканлигини кўришимиз мумкин. Ушбу вакилларнинг ному насабидан маълумки, аксари термизлик бўлган ёки Термизда маълум муддат илмий-адабий фаолият юритган.

Тадқиқотчи олим ва моҳир таржимон Мирзо Кенжабек томонидан “Термиз тазкираси” асарида асли Термизлик, ёки Термизда ижод қилган 93 нафар олимлар, шоирлар, муҳаддислар, муфассирлар, мутакаллимлар ва мутасаввуф зотларни санаб ўтади. Тазкиранинг еттинчи бобини муаллиф “Шоир ва адиб Термизийлар ҳамда Чағонийлар” номи остида Адиб Собир Термизий, Мунжик Термизий, Мавлоно Қудсий Термизий, Қатрон ибн Мансур Термизий, Абдуллоҳ Термизий, Муҳаммад Солиҳ Термизий, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Фозил Саййид ат-Термизий, Хонзода Али Термизий, Абул-Ҳасан Али ал-Лахҳом ал-Ҳарронӣ, Абу Муҳаммад Ҳасан ал-Матронӣ, Жавҳарӣ Заргар Термизий, Жамолуддин Абу Бакр Хол ат-Термизий, Мир Муҳаммад Тақи Термизий, Тоҳир ибн Фазл Чағонӣ Макканий. Абул-Музаффар Аҳмад Чағонӣ, Бурқайӣ Чағонӣ, Таҳорӣ, Маъруфӣ, Абул-Ҳусайн Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Муродӣ Бухорӣ, Дақиқӣ, Бадъӣ Балхӣ, Фаррухӣ, Масеҳо Бойсунӣ, Сўфӣ Ҳисорӣ, Муҳаммад Юсуф Маъюсӣ Хондизағӣ таржимаи ҳоли ҳақида маълумот бериб ўтади. Бу китоб бошқа ўзбек тилидаги тазкиралардан фарқли ўлароқ Муҳаммад Солиҳ Кашфӣ Термизий ҳақида биринчи марта қисқача маълумот берилгани билан эътиборлидир. Муаллиф асарда “Муҳаммад

Солих Термизий моҳир хаттотлардан бўлиб, Кашфий таҳаллуси билан шеърлар ёзган...” лигини таъкидлаб Ҳиндистонда Бобурийлар саройида алоҳида ҳурмат эҳтиромга сазовор бўлганлигини зикр этади.

“Термизлик олимлар асарларининг жаҳон фондларидаги қўлғезмалари” [17,200], номли каталоги асарида Термизлик мутафаккирлар ва шоирларнинг дунё кутубхоналарида сақланиб келаётган минглаб қўлғезма нусхалари ҳақида маълумот берувчи муҳим манбалардан саналади. Ушбу китобда тадқиқотимизнинг асосий мавзуси бўлган Кашфий Термизий адабий мероси борасида сўз юритилгани диққатга сазовор.

Термизийларнинг илмий тафаккури асарида Термизий адабий ва илмий муҳити қадимдан ривожлангани, бу ердан дунёга тонга таратган муҳаддислар, муфассирлар, фақиҳлар, машойихлар, етук уламолар, хаттотлар ва шоирлар етишиб чиққанини алоҳида таъкидлаб ўтилади. Асарнинг еттинчи боби “Термизийлар” номи билан бошланиб Кушон Бақтириясидан етишиб чиққан буддавийлик таълимоти намояндаси Ғошака бошланиб Хожа Ҳасан ат-Термизий билан тўғайди. Адабиётшунос олим Б. Муртазоев 111 та кўпчиликка таниш бўлмаган Термизийлар рўйхатини тузгани илмий этиборга моликдир. Муҳаммад Солих бин Амир Абдуллоҳ Ҳусайний Термизий – Мир Абдуллоҳнинг фазанди ҳақида қисқача маълумот бериб ўтилган. [5,281]

Тадқиқотчи олим “Термизнинг безавол қалғалари ёхуд Термиз тарихи” асарида 130 Термизий намояндалар ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумот бериб ўтган. Кашфий Термизий ҳаёти ва фаолияти бўйичи ушбу китобда маълумот учрамайди, бироқ отаси Мушқинқалам Васфий Термизий ҳақида қуйидаги маълумотларни келтирилади: “Саййид Абдуллоҳ ибн Дехлавий. Термиз саййидларидан. У Неъматуллоҳ Валийнинг невараларидан. Лақаби “Мушқинқалам” таҳаллуси “Васфий” бўлиб 1625 йилда вафот этган. Унинг форс тилидаги шеърӣ девони бор...”

Термиз адабий муҳити борасида кўплаб илмий тадқиқот ишлар амалга оширилганига қарамай бугунги кунга қадар Имом Термизий халқаро илмий тадқиқот маркази ходимлари томонидан Термиздан етишиб чиққан Термизийлар ҳаёти фаолияти борасида ҳам кенг самарали ишлар амалга оширилмоқда. 2021 йил Марказ жамоси илмий ходимлари томонидан “Буюк Термизийлар” рукни остида 10 та Термизий олимлару шоирлар ҳаётига дахлдор халқчил рисоалар нашрдан чиқди.

ХУЛОСА

Термиз адабий мактабининг энг етук намояндалари Адиб Собир Термизий билан Мунжик Термизийдир. Бу икки зотнинг издошлари Абу Сайид Термизий, Абу Бакр Умар ат-Термизий, Адиб Исмоил Термизий (Адиб Собир Термизийнинг отаси), Қатрон ибн Мансур Ажалӣ Термизий, Али ибн Адиб Собир ибн Адиб Исмоил Термизий — Адиб Собирнинг фарзанди, Жамолӣддин Абу Бакр Хол ат-Термизий, Нажибуддин Абу Бакр ат-Термизий ал-Хаттот, Анборӣ Термизий, Ҳаким Жалол Термизий, Сирожӣ Термизий, Фатҳӣ Термизий, Жавҳарӣ Термизий, Муҳаммад ибн Мўмин ат-Термизий, Саҳбони Сонӣ Али Ҳаким Термизий, Амир Саййид Али Акбар Термизий, Амир Саййид Абдуллоҳ Термизий, Мир Абдуллоҳ; Термизий, Муҳаммад Солих бин Амир Абдулло Ҳусайний Термизий, Мир Муҳаммадмумин ал-Ҳусайний ал-Аршӣ ибн Мир Абдуллоҳ Мушқинқалам Термизий, Мир Мусаввир Термизий, Мир Саййид Али Термизий, Хожа Самандар Термизий, Мавлоно Қудсий Термизий Мажзуб, Хонзода Али Термизий, Абу Абдулло Муҳаммадфозил бинни Саййид ат-Термизий ал-Акбарободӣ, Мир Муҳаммад Маъсум бин Саййид Сафой Ҳусайний ат-Термизий Бакарӣ, Мир Муҳаммад Тақӣ Термизий, Абу Саййид Термизий, Муҳаммад ибн Аҳмад Термизий каби зотлар яшаб ўтгани ёки Термизий нисбаси билан Афғонистон, Эрон, Покистон ва Ҳиндистонга бориб ижод қилган. Мана шу далиллар Термиз адабий мактабининг ривожлангани қолаверса дунё адабиётига таъсир кўрсатганидан далолат беради. Шунинг

учун Кашфий Термизий каби етук шоир, мохир хаттот ва олимни Термиз ўлкаси етиштириб ҳар томонлама тарбиялашга қодир эди. Албата бир олим, ёки бир шоир етишиб чиқиш учун ушбу заминда шундай муҳит бўлиш шарт. Ҳар бир натижанинг боши бўлгани каби Кашфий Термизийдек юзлаб Термизий ва Чағонийлар етишиб чиқишига бош сабаб маънавий муҳит ва унинг намояндалари роли катта. Кашфий Термизий ўз девонида гарчи Термиз адабий муҳитига ишора қилмаган бўлса, она юрти меҳри, адабий вакилларининг таъсири, устозлари маноқиб, ватанга бўлган алоҳида эҳтироми ва шу каби ҳолатларни тилга олади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абдуллаев Р. Ҳаёт ва эҷодиёти Амиру-ш-шуаро Муиззӣ. – Душанбе: – С. 15-30.; Мунчик Тирмизӣ. Девони ашъори пароканда / Таҳиякунандаи чоп, муаллиф пешгуфтор ва тавзеҳоти доҳили матн: Р.Абдуллаев. – Тошкент: Янги нашр, 2016. С. 3-27.
2. Жамаҳматов К. Адиб Собир Термизӣ. – Тошкент: Шамсуддин Бобоҳонов, 2021. – С. 14.
3. Мирзо Кенжабек. Термиз тазкираси. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2017. – Б. 6.
4. Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 8-жилд. – Т., 2004. 387–388-бетлар.
5. Чўтматов Ж. Термизнинг безавол қалъалари ёхуд Термиз тарихи. – Тошкент: Yangi nashr, 2017. – 352 б.
1. احمد گلچين معانى. کاروان هند. – تهران: انتشارات آستان قدس رضوى, ۹۶۳۱. – ص. ۵۸۸.
2. امرالشعرا محمد بن عبد الملك معزى. ديوان. / بسعى اهتمام عباس عقبال. – تهران: کتابفروشى اسلامى, ۸۱۳۱. – ص. ۸۸۸.
3. حدود العالم من المشرق و المغربحدود العالم من المشرق و الى المغرب. / به كوشش دكتور منوچهر ستوده. – تهران. كتابخانه ى تهوى – ۳۰۴۱ هجرى- ص ۹۰۱
4. شمس الدين احمد افلاكى. مناقب العارفين. – تهران: دنيای كتاب, ۲۶۳۱. – ص ۸۶۱.
5. قاضى غوث الدين مستمند غورى. تاريخ مختصر غور. – هزات: مولوى زاده, ۷۸۳۱. – ص ۶۵۱.
6. محمد بن يغمور. سفينه ى ترمذ. تصحيح. اميد سرئرى با همكارى سيد باقر ابطحى. – هيران: انتشارات ادبى تاريخى, ۶۹۳۱. – ص. ۳۱۵

7. محمد هادى رضاقلی خان هدايت. تذکره ى رياض العارفين. – تهران: دانشگاه, ۵۴۳۱. – ص ۰۷۴.
8. محمد هادى رضاقلی خان هدايت. تذکره ى رياض العارفين. – تهران: دانشگاه, ۵۴۳۱. – ص ۸۸۲.
9. منجيك ترمذى. ديوان منجيك ترمذى اشعار پراکنده/ به كوشش احسان شواربى مقدم. – تهران: ميراث مکتوب, ۱۹۳۱. – ص.
10. مهدى بيانى. احوال و آثار خوش نويسان. – تهران: انتشارات دانشگاه, ۵۴۳۱. – ص. ۳۳۳
6. مavlavi ىунунӣ. Куллиёти Маъдану-л-хол. – Душанбе: Сафват, 2009. – С. 868.
7. Чўтматов Ж. ва бошқ. Термизлик алломалар асарларининг қўлёзмалари каталоги. – Тошкент: Munis design group, 2015. – 220 б.